


Йилнинг энг қайғули сурати



11:00 / 19.07.2022 4815

???

????????????? ??????? ???? ?????????? ????. ???? ??? ????? ?????? ?????? ????

????????? ?????????????? ??????? ?????? ?????? ?????? ????. ??? ?????? ??????????

????????? ???? ??? ?????? ??? ??????. ?????? ??? ?????????? ?????? ?????????? ??????

????? ?????? ? ?????? ?????????????? ??????????. ? ?? ?????? ?????????????? ??????????

????????? ?????????? ???-????????? ?????????????????? ???? ?????? ???? ?????, ??????

????? ?????? ???? ??????. ??? ??? ?????? ?????? ?????? ??????, ??????? ??? ??? ?????? ?????????? ?????? ?????? — ???-?????.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни:

«Аллоҳ раҳматини юзга бўлиб, тўқсон тўққизтасини Ўз ҳузурида олиб қолди. Бир бўлагини ерга индирди. Ўша бир бўлак раҳмат билан халойиқ бир-бирига раҳм қилади. Ҳаттоқи, ўша бир бўлак билан ҳайвон ҳам боласига озор етишидан қўрқиб, туёғини кўтариб туради», деганларини эшитдим.

Бошқа ривоятда:

«Аллоҳ таолонинг юз раҳмати бордир. Ундан бир қисмини жинлар, инсонлар, ҳайвонлар ва ҳашаротлар орасида тақсимлаб қўйган. Ўша бир раҳмат туфайли улар меҳрибонлик ва раҳм қилишади. Ва ҳатто ваҳший ҳайвонлар ҳам болаларига меҳрибонлик қилишади. Аллоҳ таоло Қиёмат куни бандаларига раҳм қилиш учун тўқсон тўққизта раҳмни олиб қўйган», дейилган.

Муттафақун алайҳ.

Имом Муслимнинг Салмон Форсий розияллоҳу анхудан қилган ривоятларида: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ таолонинг юзта раҳмати бўлиб, ундаги бир бўлак билан халойиқ ўзаро бир-бирларига раҳм қилишади. Тўқсон тўққизтаси Қиёмат кунига қолдирилган », дедилар», дейилган.

Яна бошқа бир ривоятда:

«Аллоҳ таоло еру осмонни яратган куни юз раҳматни ҳам яратган. Барча раҳмат агар жам бўлса, осмон билан ер ўртасини тўлдирап эди. Ўша раҳматлардан бирини ер юзига туширгандир. Бу билан она боласига, қушлар ва ҳатто ваҳшийлар бир-бирларига меҳрибонлик қилишади. Қиёмат кунида эса бу бир раҳматни (Ўзининг ҳузуридаги тўқсон тўққизта раҳматга қўшиб) мукаммал қиласди», дейилган.

Фойдаланилган манбалар:

Islom.uz сайти

«Ҳар куни сизни қизиқтирадиган маълумот» саҳифаси

Нозимжон Ҳошимжон таржимаси

Хуршид Маъруф тайёрлади